23 (457)

2005 йил 8 июнь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Шов-шув "ишқибозлари": ким аслида ким?
- Маслаҳатчи — кўп қиррали лавозим

3
- Синган пичоқнинг сопи олтин, сўйилган отнинг эса...
- Таъзия билдириш одоби

4
- Мозийни акс эттирган маскан
- Катта маҳалланинг катта аяси

ЮРТИМИЗДА ЁЗ: УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЮМУШЛАРИ ҲАМ БОР

ҚАДРСИЗЛАНГАН ЭДИ, ҚАДР ТОПЯПТИ

Фарғона шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда, Қўқон катта йўли бўйида бир қишлоқ бор. У Садкок номи билан аталади. Қишлоқ атрофи қир-адирлардан иборат бўлиб, ўртадан анҳор ўтган. Ундан қишин-ёзин сув тўлиб оқади.

Бу сув қишлоқ четидаги булоқлар сувининг қўшилишидан пайдо бўлади. Қишлоқни бир сўлим боққа қиёслаш мумкин. Кўркам ва баҳаво. Бу ерга ҳар куни қўшни шаҳар ва туманлардан минглаб одамлар келиб, дам олиб кетадилар.

Қишлоқ четидаги адирликда миллий услубда қурилган мақбара бўлиб, у узоқдан ҳам кўриниб туради. Кўпчилик уни "Садкок ота" мақбараси деб аташади. Бундай дейилишининг сабаби, ривоят қилинишича қадим замонда бир авлиё шу қишлоқда яшаган экан. У чуқур исломий билимга эга бўлган. У вафот этгандан сўнг шу жойга дафн қилинган. Қишлоқ аҳли унга ҳурмат бажо келтириб, қабри устига лой девордан мақбара тиклаган. Шўролар даврида бу мақбара бир неча бор бузилиб, қабр текисланган. Қишлоққа одамларни дам олишга келиши қаттиқ тақиқланган.

Қадрсизланган қишлоқ мустақиллигимиз туфайли қадр топяпти. Қишлоқда Садкок маҳалласи фуқаролар йиғини ташкил қилинган. Маҳалладаги фидойи инсонлар саъй-ҳаракати билан дам олиш маскани барпо этилди. "Садкок ота" қабри устига замонамизга мос миллий услубда мақбара тикланган ва одамларнинг зиёрат қилишлари учун адирнинг икки томонидан қулай йўлаклар барпо этилди.

— Шундай эмин-эркин замонда яшаш бахтига муяссар бўлганлигимиздан қувонамиз, — дейди маҳалла фаолларидан бири Мўминжон ота Сирожиддинов. — Булоқ бўйига одамларни келтирмайсан, "Садкок ота" қабрига ҳеч кимни чиқармайсан, деган огоҳлантиришу дашномни Шўролар даврида биз маҳалла аҳли кўп эшитдик. Худога минг қатла шукурки, бугунги кунда одамлар хоҳлаган пайтида келиб, булоқлар атрофида сайр қилиб дам оляпти, ҳордиқ чиқаряпти.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.



Ёз мавсуми кириб келиши билан ўқувчи-ёшларнинг ҳаётида ўзгача давр бошланади. Нисбатан ёшроқ ўғил-қизларимиз ёзги таътилда мароқли ва мазмунли ҳордиқ чиқариш мақсадида оромгоҳлар, дам олиш масканлари сари йўл олган бўлсалар, катта ҳаёт остонасида турган битирувчи ўқувчилар давлат имтиҳонларини топшириш билан банд.

СУРАТЛАРДА: *Янгийўл туманидаги 25-мактаб битирувчилари имтиҳонларга тайёргарлик кўряптилар.*

Ушбу мактаб қошида ташкил этилган таътил гуруҳи иштирокчилари қизиқарли машғулотлар ўтказишмоқда.

Бугуннинг гапи

ДЎСТ БИЛАН ДУШМАННИ АЖРАТГАН ХАЛҚИМИЗ

Бугун қайси даврага кирманг одамларнинг Андижон воқеаларига бўлган муносабатларини эшитасиз. Уларнинг суҳбатларидан хулоса битта: қўлига қурол олиб бегуноҳ одамларни ўлдириш, ўз халқига қўл кўтариш энг катта гуноҳдир.

Яқинда бир йиғин сабаб қариялар даврасида бўлганимда Жумабой бува ўртадаги суҳбатга якун ясагандай бир сўзни айтди:

— Президентимизнинг шу воқеалардан кейин газетачиларга (оммавий ахборот воситалари вакилларига демоқчи) берган жавобларини эшитиб, худо ҳаққи белимда куч пайдо бўлди. Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ" деб дунёдаги баъзи ''манман''-ларнинг ҳам башарасини очиб берди.

Дарҳақиқат, шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. 1999 йилдан буён у ерда ,бу ерда учта-тўрттаси бош кўтариб қолади, элнинг тинчини бузади, бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлади. Лекин қанча воқеалар бўлмасин халқнинг ичида ''ҳа, энди шу иши тўғри бўлибди''деган гапни эшитмайсиз, фақат лаънат, фақат қарғиш бор: падарингга лаънат! Қаранг, бузғунчиликни, ёмонликни фарзанд қилади, қарғишни ота олади! Элнинг тинчлигини бузганларнинг ҳам, қўлига қурол тутиб ёвузлик қилганларнинг ҳам оталари бордир, ахир. Бу оталар ўз болаларини элга, юртга қарши қайрамагандир, ахир. Йўқ, ҳеч бир ўзбек отаси боласига ёмонликни ўргатмаган, элнинг қарғишига дуч келишдан асраган. Уларни ёмон йўлга бошлаган, онгини заҳарлаган ''акромийлар'' деган оқимларнинг бошида турган тутинган ''ота''лардир!

Андижон воқеаларига муносабат билдирилган учрашувлардан бирида бир талаба укамиз ғоят таъсирли чиқиш қилди. Унинг гапларига қулоқ солинг-а:

— Суяги қотмаган ёшларни ўзларининг бузғунчи ғояларига оғдирмоқчи бўлиб уринаётганлар битта нарсани билиб қўйишлари керак. Бизлар кўпчиликмиз, бу кўпчилик эса тинчлик тарафдори! Тинчлик бор экан, биз ўқиб, илм ўрганаяпмиз, касб танлаяпмиз, орзу-умидлар билан биринчи қадамларимизни ташлаяпмиз. Адашган тенгдошларим сувни лойқалатаётганлар ноғорасига ўйнаб ўз умрларини шамолга совурмоқдалар. Ёмон ният билан ҳеч ким яхши ниятга эришмаган, эришмайди ҳам.

Тўғри гап! Хунрезликни халқ ҳеч қачон оқламаган, қўлига қурол тутиб, тинч аҳолининг панасидан ўқ узганларини ҳеч ким тинчлик ҳимоячилари деб атамаган. Гапинг бўлса, даъвоинг бўлса мард бўлиб майдонга чиқ, қўлингга қурол тутиб бегуноҳ одамларнинг жонига завол бўлгунча, номард! Сен ўлдирган не-не йигитларнинг ҳам ота-онаси бор, уларнинг ер бағирлаб, қабрини қучоқлаб қилган дод-фарёдлари, кўз ёшлари урсин сени, номард!

— Маҳалланинг одамлари, у сиз билан биз. Онги заҳарланганлар ҳам, онги бутунлар ҳам бизнинг болаларимиз. Уларни ёмонларнинг қўлига бериб қўймаслик учун қуруқ гаплардан амалий ишларга ўтайлик, — дейди Уйшун маҳалласининг фаолларидан бири Холтурсун ака Пўлатов. — Тинчликни асраш "кампаниялик" иш эмас, тарбия эсга келиб қолганда шуғулланадиган соҳа эмас, бирodарлар. Юртбошимиз ўзи ёниб, ўзи куюнавермасин, қанотига кирайлик.

Хориждан туриб, бўлиб ўтган воқеаларни ўзларича талқин этаётганлар, уни бузиб кўрсатаётганлар бизни ''жабрдийда'' қилиб кўрсатишга урунмаёқ кўя қолишсин. Биз кимлигимизни тушунган халқмиз!

Ҳамид НОРҚУЛОВ

2-саҳифада

«Ғалла-2005»

ҒАЛЛАКОРЛАРНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

ЖИЗЗАХ /ЎзА мухбири Т.БЕКНАЗАРОВ/. Арнасой тумани «Олтин водий» агрохизмат маркази ҳудудидаги «Исоқ бобо» фермер хўжалиги жамоаси ғалла бўйича шартнома режасини бажарди. Бунинг учун мавжуд 59 гектар ғалла майдонининг ярмидан ўрилган дон кифоя қилди. Шартномадаги 151 тонна ўрнига 160 тонна ғалла топширилди. Фермер ўрим-йиғимни қизғин давом эттираётир.

Бу йил вилоят ғаллакорларининг шашти ҳар йилгидан кўра баланд. Ўрим-йиғимнинг биринчи куниёқ 46 та фермер хўжалиги шартнома режасини бажарди. Айни кунларда вилоят ғаллазорларида икки юздан зиёд дон ўриш комбайни ишлатилаётир. Айниқса, Пахтакор, Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл туманларида ўрим-йиғим уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

ҲОСИЛ МУЛ БЎЛДИ!

Наманган вилояти

ЯНГИҚЎРҒОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Бугун Янгиқўрғонга борган кишининг, кенг кўламдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишларини кўриб кўзи қувонади. Сабаби, Наманганга олиб борадиган асосий йўлнинг 23 километри 30 метрга кенгайтирилиб, унинг четларига йўлкалар қилиниб, гул ва манзарали дарахтлар экилди. Кўча таъмирлаб, асфалт босилгандан кейин яна ҳам гўзаллашиб кетди.

— Туманимиздаги 57 та маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 166 мингдан зиёд аҳоли ана шу хайрли ишларда фаол иштирок этмоқда, — деди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Комилжон Раҳматуллаев. — Айниқса, Гулистон, Зарбдор маҳаллалари аҳолисининг қилган меҳнатлари диққатга сазовор.

"Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш борасида кенг кўламда иш олиб бормоқда. Маҳаллада фуқаролар билан ўтказилган учрашувлар чоғида газ, сув, электр энергияси таъминоти бўйича ва бошқа муаммолар ўрганилиб уларни ҳал этиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида бундай тадбирлар натижасида Паромон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги кутубхона фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида янги ва хос бинога кўчирилди. Оқтепа маҳалласи фуқаролар йиғинида аҳолининг фикри сўровномалар орқали ўрганилиб, жамоатчилик асосида ишлайдиган янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилди. Дарвоқе, Гулистон маҳалласи фуқаролар йиғини учун янги бино ажратилиши ҳам туман ҳокимлигининг маҳаллаларга ғамхўрлиги намунаси.

Туман қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Шу боис ҳудудда қирғиз миллатига мансуб аҳоли ҳам истиқомат қилади. Турмуш маданияти соҳасидаги муаммоларни ўрганувчи гуруҳ аъзолари Нов қишлоғидаги қардош миллатлар вакиллари таълим-тарбия оладиган 49-мактабда ташкил этилган "Ойбек ва ҳалқлар дўстлиги" мавзусидаги маданий-маърифий тадбир иштирокчиларига айландилар.Ушбу тадбирда сўзга чиққан ўқитувчи-мураббийлар, ўқувчи-ёшлар, меҳмонлар Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди, ҳалқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга бағишланган асарлари ҳақида фикр юритдилар.

ФАХРИЙГА УЙ СОВҒА ҚИЛИНДИ

Янгиқўрғон туманида 157 нафар уруш фахрийлари истиқомат қилади. Уларга ҳукуматимиз томонидан доимо ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Яқинда уруш фахрийси, 84 ёшли ёлғиз қария Жўрабой ота Турсунов ана шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлди. Унга туман ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси томонидан янги кўп қаватли уйдан квартира совға қилинди.

У.САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

ЁШЛАР МАРКАЗИ ЁШЛАР ХИЗМАТИДА

Ёшларнинг соғлом руҳда камол топиши, турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолмаслигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда улар билан ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар, тарғибот ва тушунтириш ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Қоравулбозор шаҳрининг Ал-Бухорий номли маҳалласида бунёд этилган "Ёшлар маркази"да ана шундай тадбирларни ўтказиш учун барча қулайликлар мавжуд. Яқинда ушбу маскандаги ФҲДЁ бўлими, мусиқа мактаби, компьютер маркази, спорт зали ҳамда фитобар иш бошлайди.

МУХБИРИМИЗ

Тошкент шаҳри

ДЎМБИРАОБОДДА "4 КАРРА ЙЎҚ!!!"

Аҳолининг саломатлигига жиддий хавф солувчи ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши курашиш мақсадида ўтказилаётган "4 карра йўқ!!!" тадбирлари доирасида Чилонзор туманидаги Кичик Дўмбираобод маҳалласида амалга оширилаётган ишлар юртда қувонарли.

— Бу маҳалла инсонлар саломатлигини таъминлашда тумандаги бошқа маҳаллаларга ўрнак бўлаяпти, — дейди Чилонзор тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова.

Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан Кичик Дўмбираободда маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Маъмура Зуҳурова ва фаоллар ташаббуси билан 100 дан ортиқ ёшлар ҳамда бир гуруҳ кекса авлод вакиллари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Унда инсон учун энг бебаҳо неъмат—саломатликни таъминлаш борасида сўз борди. Шунингдек, учрашувда кашандалик ва ичкиликбозликнинг оқибатлари хусусида гапирилиб, жамиятдаги бу ярамас иллатлар қораланди.

Йўлдош МАНСУРОВ,
Чилонзор туманидаги Кичик Дўмбираобод маҳалласи фуқаролар йиғини котиби.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Р» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Mahalla

— Яна нима дейди?
— Ёз бўлди, оромгоҳда дам олишга борасизми? — дейди.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

«ТЎРТЛИК» РЕЗОЛЮЦИЯ МУҲОКАМАСИНИ КЕЧИКТИРМОҚЧИ

Бразилия, Германия, Ҳиндистон ва Япония БМТни ислоҳ этиш, хусусан, Хавфсизлик кенгаши (ХК) доимий аъзолари сонини олтитага кўпайтириш тўғрисидаги резолюция лойиҳасини жорий йил июнда Бош ассамблея муҳокамасига киритишдан бош тортди.

Япония ташқи ишлар вазири Нобутака Матимуранинг таъкидлашича, мазкур масалани 2005 йил июлда Африка ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари раҳбарлари иштирокида ўтадиган кенгашдан сўнг муҳокама этган маъқул. Чунки, ХКни ислоҳ этишда мазкур минтақа давлатлари берадиган овоз муҳим аҳамиятга эга.

БМТни ислоҳ этиш тўғрисидаги резолюция ташкилотнинг таҳдидлар масалалари буйича гуруҳи томонидан ўтган йил ноябрда ишлаб чиқилган эди. Унда ХК доимий аъзолигига Бразилия, Германия, Ҳиндистон ва Японияндан иборат «тўртлик» ҳамда Африка минтақасидан 2 мамлакатни қабул қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, мазкур ҳужжатга мувофиқ, Африка, Осиё, Шарқий Европа, Лотин Америкаси ҳамда Кариб ҳавзаси давлатлари учун нодоимий аъзолар сафидан қўшимча 4 ўрин ажратилиши керак. Резолюция ташкилотга аъзо мамлакатларнинг учдан икки қисми томонидан маъқул топилса, қабул қилинади.

Ҳозир айрим мамлакатлар «тўртлик» давлатларининг ХК доимий аъзоси бўлишига қарши чиқмоқда. Хусусан, Италия ва Жанубий Корея бу борада ўз лойиҳаларини таклиф этаётир. Уларга кўра, Хкнинг доимий аъзолари таркибига ўзгартириш киритилмайди, бироқ нодоимий аъзолар сони ўнтага кўпайтирилади.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Мулоҳаза

"... БИР ОҲ БИР ЖАҲОННИ БАРБОД ҚИЛАДИ"

Биз мазкур мақолани бежизга Андижон ўғлони Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ибратли ибораси билан номламадик. 13 май куни Андижонда бўлиб ўтган мудҳиш воқеалардан сўнг бу улуғ зот ҳақида баъзи мулоҳазаларимни ўртоқлашишни лозим топдим.

Бобур Мирзо 20 ёшга ҳам етмай ота юртини ташлаб кетишга мажбур бўлгани, гарчи ҳинд диёрида ўзининг катта империясини тузиб ҳукмрон бўлган бўлса-да, сўнгги нафасигача ўз Ватани соғинчи билан яшагани унинг асарларидан ҳам, тарих китобларидан ҳам маълум. У ёшлигидан бобокалони Соҳибқирон Амир Темур салтанатини тиклаш ва Алишер Навоий ҳазратлари билан учрашишдек икки орзу билан яшаган. Аммо тақдир тақазоси билан бу орзуларнинг иккиси ҳам рўёбга чиқмади.

Улуғ ҳинд мутафаккири Жавоҳарлал Неру шундай ёзади: "Бобур дунё шоҳлари орасидаги энг маърифатпарвари ва кўрками эди, десак бўлади. У ҳар хил диний ақидапарастлик ва диний мутаассиблик ғояларидан холи инсон бўлиб, санъат ва адабиётга катта эътибор берар, ўзи ҳам форс тилида шеърлар ёзиб турарди. Бобур гуллар ва боғларни ҳаддан зиёд яхши севарди, чунки улар шоҳга ўзининг Ўрта Осиёдаги Ватанини эслатиб турарди. У Фарғона водийсини кўп соғинар, Ватани, ундаги миллат ва элатлар ҳақида соатлаб гапириб беришдан чарчамас эди. Бобур юртининг қовунлари, узумлари ва анжирлари, гуллари ҳамда лолалари соғинчи билан яшади."

Бундай ижобий фикрлар ҳинд кишисининг тилидан айтилгани кишини лол қолдиради ва Бобур Мирзо шахсига ҳурматимизни оширади. Шундай буюк инсон туғилиб ўсган диёрдаги қонли воқеаларда Андижон ёшларининг ҳам борлиги ачинарли ҳол. Бундай қалби кўр кимсалар аждодларининг "Қўлдан келганча ҳеч бир дилга озор берма! Дилдан чиққан бир оҳ бир жаҳонни барбод қилади," деган ҳикматини ё ўқимаган, ёки уқмаган кўринадилар.

Мамлакатимизнинг тинч, осойишта турмушини пароканда этмоқчи бўлганлар манфур ниятларига ета олмадилар. Улар ўз мақсадларини амалга оширишда халқнинг қўллаб-қувватлашига умид боғлаган ва бунга тайёргарлик сифатида баъзи найрангларни ҳам ўйлаб чиқарган эдилар. Лекин фидойи Андижон халқи бузғунчиларнинг ҳаракатларини ёқламади. Бузғунчилар эса Бобур Мирзо айтганидек "Енгилтак ўз тиғи билан қўлини кесар, сўнгра афсус билан қўлининг орқасини тиш билан чайнар" ишини қилдилар.

Ҳақиқатдан ҳам, бу нохуш воқеа давомида баъзи фуқароларимиз диний ақидапарастларнинг асли ҳаётий башараларини англамаганликлари ва уларнинг хаёлпараст ғояларини тушунмаганликлари оқибатида уларга қўшилиб қолишган бўлса-да, ҳозир улар хатоларини англаб, кечирим сўраб келишмоқда. Қолган адашганларга қарата ҳам, Бобур Мирзо байти билан: "қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласиз, тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кўринглар, дея ҳитоб қилсак яхши бўлади.

Инсоният ривожланиш жараёнида тарих ғилдирагининг ҳеч қачон ортга қараб айланмаслиги барчага кундай равшан. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам мусулмон давлатларини бирлаштириб халифалик тузумини ўрнатиш ҳақидаги интилишлар қуруқ сафсата ва хаёлий афсона эканлиги аён бўлади. Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ҳам халифалик ул зотнинг вафотларидан кейин фақатгина ўттиз йил давом этишини, сўнгра подшоҳлик ва амирликларга бўлинишини таъкидлаганлар. Бузғунчи ғояларнинг таъсирига тушиб қолаётганлар эса диний ва дунёвий илмлардан бехабар, ўзи мустақил фикр юритишга қодир бўлмаган кишилар бўлиб, бу ёвуз ниятлиларга қўл келмоқда. Бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан маънавий-маърифий ишларга кенг эътибор берилмоқда. Ўз тарихини чуқур билган, аллома боболари руҳидан мадад олган ёшларни алдаш, халқига қарши қуроллантириш мумкин эмас. Бобур Мирзо "Кучинг етар экан, оловни шу он ўчир. Агар аланга олса, олов жаҳонни куйдириши мумкин" деган иборалари билан ёшларни эгри йўлга қадам қўймасдан бурун қайтариш лозимлиги, акс ҳолда катта фожиалар келиб чиқиши мумкинлигига ишора этган бўлсалар ажаб эмас.

Сайфиддин ҲУСАИНОВ

Навоий вилояти

Навоий шаҳар прокуратураси ташаббуси билан шаҳардаги вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳамда бу соҳадаги профилактик ишларни янада жонлаштириш мақсадида турли тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

ТАРҒИБОТ — ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Ана шундай тадбирлардан бири яқинда шаҳар прокуратураси мажлислар залида ташкил этилди. Шаҳар прокурори ҳузурида бўлиб ўтган кенгайтирилган тезкор йиғилишда шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, жиноят ишлари бўйича шаҳар суди, шаҳар ИИБ, халқ таълими бўлими, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси раҳбар ходимлари ҳамда ҳудуддаги мавжуд 16 та умумтаълим мактаблари, 5 та коллеж ва академик лицей директорлари ва 30 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала — "Шаҳар прокуратурасининг 2005 йилнинг ўтган 4 ойида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ҳамда шаҳар ИИБнинг профилактик нозирлари томонидан бу борадаги профилактик ишлар самараси юзасидан шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси А.С.Болтаевнинг таҳлилий ахборот маърузаси тингланди.

Тадбирда "Мактаб—маҳалла—прокуратура—ички ишлар—ҳокимият" айланма дастурини ишлаб чиқиш ва шу асосда тарбиявий, тарғибот ва профилактик ишларни янада самарали олиб бориш юзасидан режалар белгиланди.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

ВАТАН ҚАДРИ...

Мусофирлик жафосини тортганлар Ватан қадрига қўпроқ етсалар керак. Бобур, Фурқат каби боболаримиз қисмати ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

Ватан туйғуси ҳатто жониворларга ҳам бегона эмас. Навоий бобомиз буни бениҳоя таъсирчан ифодалаган:

Не наво соз айлагай
булбул гулистондан жудо.

Шундай бўлгач, яралмишларнинг энг афзали бўлган инсон қандай қилиб ўз Ватанини севмаслиги мумкин ахир?!

Шулар ҳақида ўйлар эканман, Андижондаги воқеалардан изтиробга тушаман. Кимларнингдир, қайсидир манфаатпарастларнинг фитналари боис бегуноҳ инсонлар қони тўкилганлиги юрагимни ўртайди.

Аслида бир оилани бошқариш ҳам осон эмас. Бир рўзғор ташвишлари ҳам унча-мунча одамни ўйлантириб қўяди. Дунё таниган Ўзбекистондай бир мамлакатни бошқариш, миллионлаб одамлар ташвишини елкада кўтариш эса янада мураккаб. Бинобарин мамлакат қарийб бир ярим аср мустамлака жабрини тортган бўлса, бу ҳол одамлар руҳиятида ўз изини қолдирган бўлса, масала янада чигаллашади. Шундай бир шароитда Президент Ислом Каримовдай узоқни кўра оладиган раҳбарнинг ҳур давлатимиз истиқболига оид аниқ концепция билан олиб борган сиёсати шарофати билангина Ўзбекистон мустақиллиги умумжаҳон миқёсида эътироф этилди. Дунёнинг энг ривожланган давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Халқимиз анойи эмас. Дуч келган ҳар қандай ғанимга ишониб, орқасидан эргашиб кетавермайди. Андижон воқеалари бу ҳақиқатни яна бир бор исботлади.

Юртбошимизнинг: "Оғоҳ бўлишимиз керак!", — деган даъвати бугун ҳам ҳар биримизга дастуруламал бўлмоғи лозим.

Абдуғани СУЛАЙМОНОВ

Хориж оммавий ахборот воситалари бугун бизнинг ҳаётимизга оид воқеаларга нималарни тиқиштирмаяпти, дейсиз: бунда ҳақиқий аҳволга сира яқин келмайдиган тўқималардан тортиб, очиқ-ойдин ёлғонлару фактларни сохталаштиришгача бўлган ҳаракатлар бор. Шуниси ҳайратланарлики, баъзан бундай афсоналарга ишонишгача борамиз. Бунда биз воқеликни таҳлил қилиш учун ўз ақлу шууримизни ишга солишга ҳафсаласиз бўламиз, эринамиз, ёки устамонлик билан ўйлаб чиқилган уйдирма таъсирида хушёрлигимизни йўқотиб қўямиз. Баъзан фактларни бузиб кўрсатиш ҳолати шу даражада яққол сезилиб турадики, бу ёлғонларни фош қилишга урингинг ҳам келмайди. Сабаби — ёлғонлар ўз-ўзини фош қилиб туради.

IWPRнинг ТИРИКЛИК ДАЪВО ҚИЛАЁТГАН "ЎЛИК ЖОНЛАР"и

IWPR, яъни Уруш ва тинчлик масалаларини ёритиш бўйича Британия институти мухбирларининг турли уйдирмаларни тўқиб чиқаришда ўта устамонлигига тан бериш керак. Фақат уларга кўпроқ пул ваъда қилинса бўлди. IWPR нинг Андижон воқеаларига оид мақолаларини ўқиб, унда ҳақиқий воқеликни кўп ҳолатда сохталаштирганлари эътиборимни тортди. IWPRнинг бундай "иш услуби" ҳақида олдиндан ҳам билар эдим. Чунки бир вақтлар IWPR, яъни Уруш ва тинчлик масалаларини ёритиш бўйича Британия институти билан ҳамкорлик қилганман. Тўғрисини тан олишим керак: уларнинг менга бериб турган қалам ҳақи мени бу ердан бирдан бўшаб кетмаслигимга сабаб бўлди. Менинг тоқатимни тоқ қилган нарса эса ўзини IWPRнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг алмаштириб бўлмайдиган, тенги йўқ раҳбари деб ҳисоблайдиган Галима Бухарбоеванинг мендан мудом ҳақиқий аҳволни қўпол равишда бузиб талқин қилишни талаб қилиши бўлди. У бу талабларини "юқорининг кўрсатмаси бу, бажарилиши шарт, акс ҳолда биз сизни озод қиламиз, кейин қандайдир сарой газетасида чой-чақа пулига ишлайсиз" деган сўзлар билан кучайтириб гапирарди.

Шу ўринда аввало бир нарсани таъкидлаб ўтишни хоҳлардим: 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан IWPR нинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига бир йил муддатга аккредитация берилган ва унинг расмий вакили этиб Галима Бухарбоева тайинланган эди. 2003 йилда эса факт ва воқеаларни нохолис ёритганлиги учун IWPR ўз аккредитациясидан маҳрум қилинди ва Ўзбекистонда ўз фаолиятини расман тўхтатди. Шу боисдан унинг кўпгина штатсиз мухбирлари ҳам ишдан озод этилди (тўғри мен бу воқеадан бир йил аввал бўшаб кетган эдим).

Бунгача Галима Бухарбоева республиканинг барча ҳудудида стрингерлар (хабар тайёрловчилар)га эга бўлиб, улар унга маълумотлар етказиб берардилар. Битта мақоланинг баҳоси ҳажмига қараб, энг муҳими танқид бор-йўқлигига қараб 10 АҚШ долларидан 50 АҚШ долларигача эди. Кейинчалик Галима Бухарбоева икки хил, яъни ҳисобот идоралари учун бир хил, ўз манфаати учун эса бошқача ҳисоб-китоб юритиб, кўрсатилган 10-50 АҚШ долларлари ўрнига 150-300 АҚШ долларини ўзлаштириб, ҳисобдан чиқара бошлади. Бундан ташқари стрингер томонидан тайёрланган маълумотларни ўз қарашига, (аниқроғи — манфаатига) мослаб ўзгартирар ва тахрир қилар эди. Бугунги ҳолатда, яъни Галима деярли бир ўзи қолгач (унинг икки хил ҳисоб-китоб юритиши, ваколатхона ходимларини алдаши барчага аён бўлиб қолган эди), шов-шувли воқеалар топиш илинжида ўзини ҳар ёққа ура бошлади (чунки бунгача унинг ўзи ахборот йиғиш учун ҳудудма-ҳудуд югурмаган эди). Ахир яшаб қолиш учун моддий манба керак-да. Бунинг устига у бегоналар меҳнати ҳисобига яшашга, яъни "комфорт"га ўрганиб ҳам қолган эди.

Унинг бу йўлда пашшадан фил ясай олишига қойил қолса бўлади. Мана, у ўзининг мақоласида ёзади: "14 май куни Андижон вилояти ҳокимияти биносида журналистлар томонидан бир хат топилди. У қонга бўялган ҳолда эди, бу хат муаллифининг қони бўлса керак. Хат мазмунига қараганда, хат муаллифи "Акромия" ташкилотига аъзоликда айбланиб қамалган ва террорчилар томонидан озод этилган 23 бизнесменлардан бири томонидан ёзилган эди."

Ростдан ҳам у эпчил ва топқирлиги билан ҳаммадан фарқ қилади. Қаранг-а, вилоят ҳокимиятини жангарилардан тозалаш жараёнида сирли қалпоқча кийиб олиб, яъни кўзга кўринмас бўлиб қуршовлардан ўтиб, ҳокимият биноси ичида жангарининг ҳақиқат учун курашганлиги ҳақидаги хатини топиб олибди... Энг ажабланарлиси, бу хат кейин йўқолиб қолибди ва шу сабабли хатни факт сифатида тақдим қила олмас экан.

Аслида эса бундай хатнинг ўзи бу дунёда бўлмаган. Ҳокимият биносига террористлардан тозалаш пайтида ҳам, кейин ҳам ҳеч ким киритилмаган. Бунинг устига Бухарбоевада ҳам, IWPR мухбирларидан бошқа биронтасида ҳам Ўзбекистонда журналистик фаолият кўрсатиш учун аккредитация йўқ эди... Ҳар бир ақли расо одамга тушунарли: ҳокимият биносида бундай вазиятда жиноят изларини топиш ва уни далиллаш борасида суриштурув-қидирув ишлари олиб борилаётган пайтда ҳеч ким бу жойга қўйилмаган.

Унинг, "Акромия" ташкилоти аъзолигида айбланган ва террорчилар томонидан қамоқдан озод қилинган бизнесменларнинг бегуноҳлиги ҳақидаги хулосаси борасида эса тўхталиб ўтишни ҳам лозим деб билмайман.

"Ozod ovoz" номидан берилган бошқа бир мақолада шундай хабар қилинади: "13 майда Андижонда кўпминг кишилик намойиш иштирокичларини тарқатиш пайтида Ўзбекистон қуролли кучлари нафақат норозилик намойиши иштирокчиларига, балки хорижий ОАВ журналистларига қарата ўқотар қуроллардан ўт очди. Жумладан, отилган ўқлардан бири Уруш ва тинчлик масалаларини ёритиш бўйича Британия институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси директори Галима Бухарбоеванинг корреспондентлик сумкасига теккан. Журналистканинг ўзи ўзбек милиционерлари ўқидан жароҳатланмаган, ўқ унинг сумкаси ва пресс-картасини тешиб ўтган. Қуролли хужум пайтида Галима Бухарбоева ва бошқа журналистлар ариқзовурлар ва бошқа жойларда яширинишга мажбур бўлганлар."

Ҳа, Голливуд, айниқса, Киану Ривз — "Матрица" фильмида ўқлар ёмғирига чап бериб қолаётган қаҳрамон ҳам бу ўринда дам олиб турса бўлади.

...Бу ўринда ўқувчилар Галима ёки муаллифнинг шов-шувнинг кетидан қувган ҳолда бир хатоликка йўл қўйганларини дарҳол сезган бўлсалар керак: Галима аккредитациядан маҳрум этилган бўлса, унда яна қайдай пресс-карта мавжуд бўлиши мумкин? Бундан ташқари, Андижон шаҳрининг марказида жойлашган вилоят ҳокимлиги биноси яқинида биронта ҳам ариқ-зовур йўқ. Андижон шаҳрида бир маротаба бўлган киши ҳам менинг сўзларимни тасдиқлаши мумкин.

Бу мавзуда ортиқча чуқурлашишни истамайман. Чунки ҳамма англаб турган бир ҳақиқат бор: Галима Бухарбоевада ўша хат, ўқ тегиб тешилган сумка ва пресс-карта ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлганда, у бу нарсаларни телевидение орқали, ҳеч бўлмаганда Интернет орқали дарҳол ва бир неча марта албатта намойиш этган бўларди!

Мени масаланинг бир жиҳати жуда қизиқтиради. Наҳотки, Буюк Британияда қонунни менсимаслик, чеклаб ўтиш одатга айланган? Акс ҳолда IWPR вакилларининг Ўзбекистонда журналистик фаолиятини аккредитациясиз амалга ошираётганини қандай баҳолаш мумкин? IWPRнинг Лондондаги раҳбарияти бу ҳолатни эътиборга олиш ўрнига, аксинча ўзининг, яна қайтараман, ноқонуний вакиллари фаолиятини изчиллик билан молиялаштиришда давом этмоқда. Қизиқ, улар мавжуд бўлмаган ваколатхона фаолияти учун катта маблағларни қай тарзда ҳисобдан чиқаришаётган экан, балки уларда, яъни Буюк Британияда худди Галима Бухарбоевада бўлгани каби икки хил ҳисоб-китоб юритилармикан (ҳолбуки, икки хил стандарт бўлиши мумкинлигидан биз хабардормиз)? У ҳолда тегишли назорат органларининг, шунингдек, бундай институтлар фаолияти учун солиқ тўловчиларнинг бундай ҳолларда лозим бўлган хатти-ҳаракати нима учун сезилмаяпти?

Менинг IWPR фаолияти бўйича ўз хулосам бор: у Ўзбекистонда ўзининг норасмий тарздаги фаолияти маҳсули билан ишончга лойиқ эмаслигини исботлади. Унинг Ўзбекистондаги "вакиллари" журналистиканинг умумэтика меъёрларига амал қилиш, шунингдек, маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва рўй-ростлигини таъминлаш каби хислатларга бутунлай эга эмаслиги учун ҳам журналист сифатида ваколатли эмаслар.

Менимча, Ўзбекистонда қонунга амал қилинмайди, дея дунёга жар солаётган Буюк Британиянинг ташқи ишлар вазири Жек Стро жаноблари аввало ўз юртидаги қонунбузилишларнинг олдини олиб, кейин бошқаларга қонун-қоидаларни ўргатса яхши бўларди.

С.МЎМИНОВ,
IWPRнинг Ўзбекистондаги собиқ мухбири.
C-asia.org

Фуқаролар жамияти тадқиқотчи талқинида

АЁЛЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ

уларнинг фаолияти қониқарлими?

Ҳозирги кунда юртимиз миқёсида фаолият кўрсатаётган жамоат ва нодавлат ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари сифатида шаклланиб бормоқда. Уларнинг ичида 72 таси аёллар ташкилоти ҳисобланади. Ушбу ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида жойлашган. Афсуски аёллар муаммолари кўплаб учрайдиган кичик шаҳарча ва қишлоқларда эса уларнинг деярли кўпчилигининг фаолияти талабларга жавоб бермайди. Фаолият дастурлари турлича бўлишига қарамасдан барча аёллар нодавлат ташкилотларнинг асосий йўналиши ягона — аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркаклар билан тенглигини таъминлаш, оилада ва жамиятда аёллар мавқеини ошириш, уларнинг демократик тузилмалардаги фаолиятга қизиқтириш ва бозор иқтисодиёти шароитларига мослаштириш муаммоларини ҳал этишдан иборатдир.

Бу борада энг фаол иш юритаётган нодавлат ташкилотлардан бири Республика "Тадбиркор аёллар" уюшмаси ва унинг вилоятлардаги бўлим ва бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси "Перзент" уюшмаси, Тошкент шаҳридаги аёллар ресурс маркази, "Олима" уюшмаси, "Мехри", "Аёл ва жамият" уюшмалари кабиларни мисол келтириш мумкин. Улар маърифий семинарлар, мунозарали учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиш, клублар фаолияти, консультациялар олиб бориш, маълумот кунлари ўтказиш, плакатлар, календарлар, брошюралар, бюллетенлар чоп этиш орқали аёллар ўртасида турли тадбирлар ва тарғиботташвиқот ишларини олиб борадилар. Шу билан биргаликда ушбу ташкилотларнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ўртасида ҳамда улар олиб бораётган фаолиятларда бир-бирларини такрорлаш кўзга ташланади, ёки бирор муҳим масалани ҳал этишда бирдамлик, давлат органлари билан етарлича ҳамкорлик етишмайди. Уларнинг баъзиларида бирор бир муҳим масалага жамоатчилик эътиборини қаратишда сусткашликка йўл қўядилар ёки умуман эътибор қарата олмайдилар. Албатта, бу ташкилотлар самарадорлигини оширишда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари катта ишлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистонда аёлларнинг нодавлат ташкилотлари асосан алоҳида дастур лойиҳалари асосида иш олиб бориб, улардан фақат бир қисмигина узоқ муддатга тузилган дастур ва лойиҳалар асосида фаолият юритадилар. Улар ўзларининг фаолият стратегиясига ҳам эгадирлар. Бу ҳолат ташкилотларнинг ўз фаолиятига ҳамда улар билан ҳамкорлик қилаётган бошқа ташкилотлар билан бўладиган ўзаро муносабатларга ҳам боғлиқ, албатта. Ўзбекистонда фаолият

олиб бораётган нодавлат ташкилотларнинг республикада тутган ўрни ҳақида хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, улар аллақачон жамият ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланди.

Шавкат ЖАВЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши Академияси тингловчиси.

Фармон ва қарор ижроси йўлида

КЎП ҚИРРАЛИ ЛАВОЗИМ

Мамлакатимиз Президентининг ўтган йили 25 май куни "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Орадан бир ой ўтиб 29 июн куни Вазирлар Маҳкамасининг бу фармон ижросига қаратилган қарори эълон қилинди.

Фармон эълон қилинганига бир йил тўлди. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар август ойидан иш бошладилар. Албатта янгича мазмундаги бундай лавозим учун ҳали ҳаётий тажриба ҳам, кўникмалар ҳам етарли эмасди. Бир нарса аниқ эдики, Юртбошимизнинг аёллар салоҳиятига, уларнинг обрў-эътиборига, маънавиятига ва фидойиликларига бўлган ишончларини оқлаш керак эди.

Гап шундаки, маслаҳатчи аёлларнинг вазифалари кўп қиррали, шулардан бири ва айни дамда энг муҳими диний ақидапарастликнинг олдини олиш, оқимлар, мазҳаблар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, маҳалла аҳлини, айниқса ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан сақлаш.

Биз ахборотлар онгу тафаккуримизни қуюндек эгаллаётган, турли мамлакатларга хос мафкуралар оқими оламни чулғаб олаётган, руҳий мувозанатгача таъсир кўрсата оладиган ғоялар қуршовида яшаётганимизни унутмайлик. Албатта бу жараёнларнинг салбий ва ижобий таъсири ўз кучини кўрсатиб турибди. Ижобий томони шундаки, фуқароларимизда турли ахборот тизимлари орқали истаган маълумотларни олиш имконияти бор, салбий тарафи, эса баъзи одамларнинг ўз кўзи билан кўрмаган, билмаган нарсасига ишониш оқибатида залолатга юз тутиши хавфидир.

Қуръони каримда бу ҳақда шундай дейилади: **"Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун (у фосиқ кимса олиб келган хабарни) аниқлаб-текшириб кўринглар".**

Маслаҳатчи аёлларимиз дунё воқеалари, қолаверса, юртимизда содир бўлаётган воқеаларга ўз билимлари ва тафаккур қобилиятларини ишга солиб муносабат билдира олишлари, ҳар қандай ахборотни тўғри шарҳлай билишлари керак.

Маслаҳатчилар ҳам диний, ҳам дунёвий қонун-қоидаларни яхши билишлари лозим. Баъзи аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлиб, давлат томонидан чиқарилган қонунларни яхши биладилар ва ҳар қандай шароитда ўзларини ҳимоя қила оладилар, баъзи аёллар эса эътиқоди талаби билан шариат қонунларини билгани ҳолда дунёвий қонун талабларини етарли даражада билмайдилар.

Маслаҳатчининг ўзи маҳаллада ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга ҳар томонлама тайёр бўлиши керак. У диний қадриятлар билан ҳозирги қонунчилигимиз ўртасидаги мувофиқ жиҳатларни кўрсата билиши лозим.

Маслаҳатчи аёлларнинг ўзида ватанпарварлик туйғуси юксак даражада бўлмас экан, бу улуғвор туйғуни ёшларга қандай сингдира олсин.

Қарангки, эрамиздан аввалги бешинчи асрда яшаган юнон донишманди Эзоп "Энг аввало тангрини муносиб тарзда улуғла. Кейин эса подшоҳни иззат қил. Чунки подшоҳ ва тангри ҳукми тенгдир" деб таъкидлаб ўтган экан.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи аёлларимиздаги кўтаринки руҳ уларнинг бажарган ишларидан сезилиб турарди. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссасини қўшаётган бу аёллардаги шижоат, ғайрат ҳали ўз самарасини кўрсатади, дея ишонч билан айтиш мумкин.

С.АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси дин ишлари бўйича қўмитаси етакчи мутахассиси.

Сурхондарё вилояти

Қишлоқ йиғинларида

Шероботнинг бир томони тоғлар, тоғ қишлоқларига уланиб кетади. Туманнинг тоғ ҳудудлари жамланиб, Зарабоғ қишлоқ фуқаролар йиғинини ташкил этади. Ўн бештача катта-кичик қишлоқда 17835 нафар аҳоли истиқомат қилади.

ТОҒДАГИ ҚИШЛОҚ

Айтишларича, аёл бўлса ҳам Мадина Усмонованинг назари кенг. У билмаган, у бормаган жой йўқ. Ҳар бир оиланинг яқин одами, хайрли юмушлар ва ҳаракатнинг бошловчиси... Тоғда не ишлар амалга оширилса, албатта шу аёлнинг ҳаракати билан боғланади. Ахир қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига сайланганининг ўзи унга билдирилган ишонч.

Тоғ муаммолари. У ҳар қадамда учрайди. Мадина Усмонова бундай пайтда фаолларга, кексаларга қулоқ тутади. Инчунин, учрашувларнинг бирида кекса отахоннинг ақлли бир фикри билан Пошхуртда қандай хайрли ишга қўл урилмади дейсиз. Отахон бор гапни айтиб, нега энди қишлоқда бирор корхона ташкил қилишнинг иложи йўқ. Масалан, Анжирота сувини ҳамма даво учун ичади, шифобахш сув. Лекин уни қадоқлаб чиқариш мумкин эмасми? Ёки шу пайтгача қариялар дам оладиган жой йўқ, деган мулоҳазани билдирган эди.

Шу тариқа Анжирота маъданли сувини қадоқлаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ёниб юрадиган тадбиркор учун битта жўяли маслаҳатнинг ўзи етиб ортади. Қишлоқда фаолият кўрсатаётган Жўра Тошпўлатов номли фермер хўжалиги, "Уста Маматқул", "Эмин ота" хусусий фирмаларининг ташкил этилишида қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мадина Усмонова ва маҳалла оқсоқоли Қурбон Холиёровнинг ҳиссаси каттадир.

Энг ибратли ишлардан яна бири отахонлар ва дам олувчиларнинг ҳузурини ўйлаб, нуронийлар чойхонаси ташкил этилгани бўлди. Ширкат хўжалигига қарашли бино қайта таъмирланиб, идорага мослаштирилди. Қарабсизки, беш хонали бино эндиликда қишлоқ аҳолисининг доимий маскани. Ёшларнинг баркамол ўсиши учун ўйингоҳ қуриш мақсадида икки гектарлик ер ажратиб олинди. Маҳалла ўз футбол жамоасига эга.

Учёғоч деганимиз Пошхуртдан кейин. Йўллар асфальтланган, кўп ишлар халқнинг кучи билан амалга оширилади. Жумладан, Хонақо қабристони томон борадиган 1,5 километрлик йўл қайта қурилди. Хилхонага киришда шарқона усулда дарвоза ўрнатилди. Маҳалла раиси Бобомурод Ражабовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қарияларнинг Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёҳати уюштирилди.

Ҳали айтганимиздек, Зарабоғ маҳалласи энг катта нуфузга эга. Маҳалладошлар раисдан ёлчиган. Хосиятжон Жўраев давлатимиз мустақилликка эришганидан буён шу маҳаллани бошқаради. Шу пайтгача қишлоқда мавжуд йигирмадан ортиқ ҳунармандчилик дўконларидаги ишни мувофиқлаштиришда унинг хизмати катта. Бундан ташқари, "Кўҳитанг" ширкат хўжалиги билан яқин алоқада. Бир пайтлар қорақўлчиликка ихтисослаштирилган бу хўжалик тўғаш арафасига келиб қолганди. Уни оёққа турғазиш раҳбар сифатида Абдуманноб Маматқуловнинг зиммасига юклатилди. Илк хайрли иш маҳалла оқсоқоли, қишлоқ фаоллари ва хўжалик мутахассислари билан бамаслаҳат иш тутилгани бўлди. Оз фурсатдан сўнг хўжалик иши ҳам ўнглана борди. Унга қарашли 110 гектар ернинг 60 минг гектарлик Оқтош, Майдонли, Қарабоғ, Чағил яйловларида 12 минг бош қўй боқилади. Шунинг ўзидан ўтган йили 21 миллион сўм фойда олиниб, 11 миллион сўми дивидент учун ишчи-хизматчиларга тақсимланган бўлса, қолган қисми хўжалик ишлари, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш юмушлари, хайр-саховат учун сарфланди. 25 та кам таъминланган оиланинг кам-кўстига яраш ҳам хўжалик зиммасида. Аммо қишлоқдошларнинг кўнглида армон бўлиб қолаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Электр энергиясининг бир суткада 3-4 соатдан узилаётганлигини нормал ҳол деб бўлмайди. Халқ керак бўлганда электр асбобларидан фойдаланиши, хоҳлаган пайтда телекўрсатувларни кўришига шароит йўқ. Қишлоқда бор-йўғи 20 та ичимлик суви нуқталари ўрнатилган. Қолганлари булоқ сувидан фойдаланади. Тоғ қишлоқларига хос муаммо газ масаласи ҳам ҳал бўлгани йўқ.

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ.

ЛАШКЕРАК ОТАСИ

Инсон аслида табиат фарзанди. Таъбир жоиз бўлса, у табиатнинг эрка фарзанди. Она табиат инсоннинг бебошликларидан қанчалик озор чекмасин, барибир ўз саховатини, нозу неъматларини ундан аямайди.

— Тоғу тошдаги ҳар бир гиёҳдан тортиб дов-дарахтгача, дарёю кўл— ҳамма-ҳаммаси тирик жонзотнинг ризқ-рўзи. Олаётган нафасимиз, истеъмол этаётган маҳсулотларимиз тириклик манбаи — табиатдан, — дейди кекса отахон Мамадали ҳожи Муродов.

Отахон умрини табиат муҳофазасига бағишлаган. У узоқ йиллар тоғдаги арчазорларни асраб-авайлашда жонбозлик кўрсатган фахрли ўрмон хўжалиги ходимларидан бири. Ангрендаги Лашкерак қишлоғида тавваллуд топган Мамадали Муротовга шу теварак-атрофдаги ҳар бир қоя, арчазор, сўқмоқ беш бармоғидай таниш. Унинг табиатга меҳр-муҳаббати бахтли турмуши, фаровон ва ҳалол умр йўлини мудом ёритиб келаётган бир ёрқин маёқ, десак муболаға бўлмайди.

Мустақиллик шарофати билан отахон узоқ йиллар қалбида асраб келган эзгу ниятини — ҳаж сафарини амалга оширди. Эзгулик йўлидаги бу сафар давомида унинг кўнглида яна кўплаб савобли ниятлар туғилди.

Лашкерак қишлоғи ободончилигида бу ниятлар амалини кўрса бўлади. Қишлоқда унинг ташаббуси билан дўкон очилгани, қишлоқ қабристонининг бетон девор билан ўралиб, саранжом-саришталиги таъминлангани ана шу савоб ишлар сирасидан.

Мамадали ота умр йўлдоши Қўйдинисо ая билан тўрт нафар ўғил, олти нафар қизни тарбиялаб вояга етказди. Фарзандлари доим эл-юртнинг хизматида.

... Отахон тез-тез қишлоқдаги 31-ўрта мактабга, бу илм маскани-нинг обод боғига бориб туради. Бу жой унинг учун табаррук маскан. Боғ ўртасида туғишган акаси — халқ марофининг фидоийиси Абдумани Муротовга ёдгорлик ўрнатилган. Лашкеракдаги дастлабки мактабни шу киши ташкил этган. Ёдгорлик ёнида ҳар гал Мамадали ота ўтган умрини, болалигини хотиралайди.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
журналист

Тошкент вилояти

СУРАТДА: *Мамадали ҳожи отанинг ўғли Маназар Муродов оила аъзолари билан.*

Суддан сўнг...

СЎЙИЛГАН ОТ ВОҚЕАСИ

ёхуд пайҳонга қарши тадбирнинг пайҳон қилиниши хусусида

*** Тўрт ёшли сўйилиб кетган отнинг баҳосини ким билади? Уни сўйиб гўштини ўлчаб олганларми ёки отни умуман кўрмаган бозор мутасаддисими?**

*** Даъвони рад қилишликни сўраш... даъвони қисман тан олиш..ми?**

*** Ҳа, фермер мулки дахлсиз, қачонки у бошқа мулк дахлсизлигига путур етказмаса...**

"От можароси"га айланган воқеа тафсилоти шундай: бундан бир неча йил муқаддам Пахтачи туманидаги "Норбобо" фермер хўжалигига қарашли от А.Аллаёров номли ширкат хўжалигининг 1 гектар майдондаги пахтазорини пайҳон қилади ва хўжаликка 228 минг 496 сўмлик моддий зарар келтиради. От ИИБ ходимлари томонидан ушланиб, бу иш билан шуғулланувчи комиссия тавсияси, Мисит қишлоқ фуқаролар йиғини қарори билан етказилган зарарни қоплаш мақсадида сўйилади ва 120 килограмм чиққан от гўшти "ведомость" асосида ширкат аъзоларига тарқатилади. Муаммонинг бу тарзда ҳал этилиши, шубҳасиз мулк эгаларига ёқмайди. Улар бу ишда қатнашган А.Аллаёров номли ширкат хўжалиги мутасаддилари ҳамда Мисит қишлоқ фуқаролар йиғини раиси У.Ҳамроевга нисбатан даъво билан фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига мурожаат қиладилар. Даъвогарлар "1,5 млн. сўм турадиган от"нинг сўйилганлигини ширкат хўжалигига етказилган 228 минг 469 сўмлик зарар баҳоси билан мутаносиб эмаслигини, боз устига бу ишни амалга оширган мутасаддилар отни сўйишдан аввал уларни огоҳлантирмаганликларини важ қилиб кўрсатиб, жавобгарлардан ўзларига етказилган моддий, яъни 1,5 млн сўм ва 1 млн. сўм маънавий зарарни ундириб беришни суддан сўраган. Судья А.Шерғозиев ушбу ишни кўриб чиқиб, даъвогарларнинг даъволарини қисман қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Унда жавобгарлар — Мисит қишлоқ фуқаролар йиғини раиси У.Ҳамроев ва бу ишда қатнашган А.Хонназаровлардан 771 минг 505 сўм моддий ва 300 минг сўм маънавий зарарни даъвогарлар фойдасига ундириш, шунингдек, жавобгарларнинг ҳар биридан 51 минг 433 сўм давлат божи ундирилиши кўзда тутилганди.

А.Шерғозиев асос деб ҳисоблаган "далил" асосли эдими? Суд ишида даъвогарлар томонидан тақдим этилган Пахтачи тумани деҳқон бозори маъмуриятининг "бир бош тўрт яшарлик урғочи от нархи 900 минг ёки 1 млн. сўмни ташкил этади" мазмунидаги маълумотномаси дастак қилиб олинган. Судья даъвони қисман қаноатлантиришни шу асосда амалга ошириди, яъни сўйилган отнинг нархини 1 млн. сўм баҳолаб, бундан ширкат хўжалигига етказилган 228 минг 495 сўм зарарни чиқариб ташлайди ва жавобгарлардан 771 минг 505 сўм ундириш тўғрисида хулосага келади. Хўш, бозор маъмуриятидан бирон киши бу отни кўрганми? От семиз, озғин, касалманд ёки соғ, улоқ чопадиган ёки гўштга мўлжалланган бўлиши мумкин. Шунга кўра иккита тўрт ёшли отнинг баҳоси бир-биридан бир неча марта фарқли бўлиши мумкин. Бу ўринда отни сўйиш ва унинг гўштини ўлчаш жараёнида иштирок этган гувоҳларнинг кўрсатмалари ёхуд А.Аллаёров номли ширкат хўжалигининг "120 килограмм от гўшти ширкат хўжалигига етказилган зарарни қоплаш учун кирим қилинди" мазмунидаги ҳужжати бозор маъмуриятининг тахминан берган маълумотидан кўра асослироқ эмасмиди? Ҳеч бўлмаса бозор маъмурияти ушбу отни кўрган бўлгандаям майли эди.

Навбатдаги мулоҳазамиз шундан иборат. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 ноябрдаги "Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида" ҳамда 2000 йил 12 январдаги "Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорларида пайҳон ва нобуд қилиш жойида ушланган чорва моллари ўзини ўзи бошқариш органларига топширилиши, фавқулодда ҳоллардагина, етказилган зарар қоплангач, ўзини ўзи бошқариш органларининг қарори билан чорва моллари ўз эгаларига қайтарилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Тўғри, судья бу ўринда ўз ҳал қилув қарори учун зарур бўлган асос деб ана шу маъмурий ҳужжатни ва бошқа қонуний ҳужжатларни танлаган. Аммо у таассуфки, ана шу ҳужжатлардан тескари ёки бир томонлама талқин қилиб фойдаланган. Йўқса, А.Шерғозиев юқорида таъкидлаб ўтган қарорларда айтилганидек, фавқулодда ҳоллардагина — иқтисодий томондан қийналган, битта моллари бўлиб, тирикчиликлари шу мол орқали бўлган қора моллар эгаларига қайтарилиши мумкинлигини назаридан қочирмаган бўларди. Ваҳоланки, мазкур суд иши материаллари орасида даъвогар томон — "Норбобо" фермер хўжалиги ҳисобида 10 бош қорамол, бир бош сигир ва бир бош от мавжудлиги тўғрисида Пахтачи тумани статистика ва ҳисоблаш марказининг маълумотлари акс этган. Яна бир нотўғри талқин. Судья мазкур суд ишининг ҳал қилув қарорида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси 2-қисмида "...мансабдор шахслар...Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар", 33-моддаси 1-қисмида "Давлат...барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди", 2-қисмида "...Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин", Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасида "Фермер хўжалигининг ўзига қарашли мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир" деб кўрсатилганидан келиб чиқиб" масалага ёндошади. Бу ўринда судьянинг чиқармоқчи бўлган хулосаси аён: фермер мулки дахлсиз ва унинг молмулкка бўлган ҳуқуқи давлат ҳимоясида. Ахир бир мулкнинг дахлсизлигини ҳисобга олиб, унинг бошқа бир мулк дахлсизлигига раҳна солишини томоша қилиб ўтириш керакми?! Ахир ўша ҳужжатларни тўғри талқин қилиш керакку?!

Эътиборингизни фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг ҳал қилув қароридаги қуйидаги парчага қаратмоқчимиз:

"Суд мажлисида **(суд ҳужжати тахрирсиз берилмоқда)** сўроқ қилинган жавобгар А.Аллаёров номли ширкат хўжалиги вакили Ўтаев Холмўмин суд мажлисида берган кўргазмасида даъвони, ҳақиқатдан 2002 йилда даъвогар Мардонов Норбобога тегишли бўлган бир бош от 1 гектар пахта майдонини пайҳон қилганлиги учун ИИБ ходимлари томонидан от ушлаб олиб келинганлигини, от етказилган зарарни қоплаш мақсадида сўйилганлигини, лекин ўзи пахта майдонида юрганлигини кўрмаганлигини, сўйилган отни гўштини иссиқ овқат учун тарқатишганликларини, бунда ширкат хўжалигининг айби йўқлигини, даъвогарнинг даъвосини рад қилишликни сўраб кўргазмасини судда баён қилди..."

Қани бу ўринда тан олиш. Хулоса агар унинг отнинг пайҳон қилганини кўрмаганлигидан келиб чиқса, у ҳолда хулоса нотўғри. Чунки у воқеани кўрган гувоҳ сифатида эмас, ширкат хўжалиги вакили сифатида кўрсатма бераяпти. Суд иши ҳужжатида иккинчи жавобгарнинг сўзи ҳам шундай эътироф этилади, яъни қисман тан олиши айтилади. Ҳолбуки у ҳам даъволарни рад этишни сўрайди ва ҳеч бир тан олишга қиёслайдиган кўрсатмаси йўқ. Ана шу "қисман тан олиш"лар даъвони қисман қаноатлантирилишига йўл очган.

Бу масала аллақачон ўзининг ижобий ечимини топган — фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди аппиляция инстанцияси бу қарорни суд мажлисида кўриб чиқиб бекор қилган ва жавобгарларни жавобгарликдан бутунлай озод қилган. Бизга қишлоқ фуқаролар йиғини раиси мурожаат қилиб, ҳукумат қарорини бажаргани, умуман, ўз фаолияти доирасида қонуний иш юритгани учун яна шунча вақт бу "иш" уни овора-сарсон қилганидан куйиниб ёзади. Бу ишда кўплаб идоралар, хусусан, "Маҳалла" жамғармаси ҳам анча уриниб, ёрдам берганлигини эътироф этади ва бундай воқеа бошқа қайтарилмаслиги учун газетада ёритилишини сўраган. Биз унинг хулосасига қўшилдик.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ЁНҒИН ЧИҚМАЙДИГАН СИГАРЕТ

Данияда чекив ўтирмасдан сигарет туфайли ҳар куни кўплаб хонадонларда ёнғин содир бўлмоқда. Шунинг учун копенгавентлик муҳандис К.Энсентит ихтироси ҳаммада катта қизиқиш уйғотди.

У сигаретга сувли полипропилен капсуласини ўрнатишни таклиф қилди. Айланаси 0,6 сантиметр бўлган капсула сигаретнинг тамаки солинган қисми билан фильтр ўртасига ўрнатилади. Фильтрга етиб келаётган чўғ полимерни эритади ва ундан оқиб чиққан сув тамакини ўчиради.

ДЕЯРЛИ АВТОМАТ

Англиялик хаваскор кашфиётчи Д.Браун ўт ўчиргичнинг жуда содда ва қулай тизимини яратди. Керакли мустаҳкам бўлган сопол идишга ёнғинни ўчирадиган газ босим билан қамалади.

Корзиналарга жойлаштирилган бу "бомба" омборларга ёки тез ёниб кетиши мумкин бўлган нарсалар сақланадиган жойларга қўйилади. Ёнғин чиққанда ён-атроф исийди ва бу иссиқлик маълум даражага етгач, сопол идиш ёрилиб кетади. Бу ихтиро ёрдамида одам ўтиши қийин бўлган ўрмонзорлардаги ёнғинни ҳам ўчирса бўлади.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

Шариат ва жамият

Бизда таъзия куни қишлоқ ёки маҳалла қарияларига чопонлар ва йиғилган одамларга учига пул тугилган рўмолчалар тарқатилиб, сўнг жаноза ўқилади.

Халойиқ қабристондан қайтиб келгунича марҳумнинг ёки қўшнисининг хонадонида қўй сўйилиб, ош дамланади. Келганлар қуръон тиловатидан кейин овқатга таклиф этилади. Сўнг фалон куни "катта худойиси" деб эълон қилинади. Шунда баъзилар: "Уч кунгача мотам, бу ерда овқат ейиш мумкин эмас", деб таом танаввул қилишмаса, бошқалар: "Нега емаймиз?" деб, овқат емаганларни койишга тушади.

Мабодо дафн эртанги кунга қолдирилса, (марҳум кеч вафот этса) ўша кечаси бирон жонлиқ сўйилиб, "Тунўтар" деган маросим ўтказиладиган одатлар ҳам бор. Шулар тўғрими?

Бир мақолда: "Ўлим қайга борса, борнинг молини сочади, йўқнинг айбини очади", дейилади. Бу аччиқ киноя, албатта. Ўлим қачон келишини ҳеч ким билмайди. Бизнингча, бошига мусибат тушганлар айрилиқ ғамидан кўра, дафнни ўтказиш ташвишидан кўпроқ қийналишяпти.

Буларни ўйлайдиган бўлсак, талай саволлар туғилади:

1. Дафн маросими шариат ҳукми бўйича қандай ўтказилади?

2. Азадорлик ва унинг муддати қанча?

3. Дафн куни пул тарқатиш, таом ҳозирлаш, таом ейиш ёхуд таом емасликнинг ҳукми қандай? Умуман, дафн куни одоблари ҳақида билишни истар эдик.

Бир гуруҳ журналхонлар.
Оҳангарон тумани.

МУСИБАТ ЕТГАН ХОНАДОН АҲЛИГА ТАЪЗИЯ БИЛДИРИШ ВА БАЪЗИ МАРОСИМЛАР ОДОБИ ҲАҚИДА

ЖАВОБ:

Ҳар бир мусулмон банданинг зиммасида иккинчи мусулмон биродарининг баъзи ҳақ-ҳуқуқлари бор. Чунончи, Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадиси шарифларида бундай марҳамат қилганлар: "Ҳар бир мусулмоннинг зиммасида иккинчи мусулмон биродарининг олтита ҳаққи бор: учрашганида салом бериш; меҳмонга чақирса, бориш; маслаҳат сўраса, яхши маслаҳат бериш; аксириб ҳамд айтса, унга дуо билан жавоб қайтариш; бетоб бўлиб қолса, кўргани бориш; вафот этса, жанозаси ва дафнида қатнашиш".

Демак, бир киши мусулмон таниши вафот этса, унинг жанозасида ҳозир бўлиши зарур. Майитнинг барча қариндошларига таъзия билдириб, Аллоҳнинг ҳукмига рози бўлиш ва мусибатга сабр қилишлари ҳақида насиҳатлар айтиш ва марҳумнинг ҳаққига раҳмат ва мағфират сўраб, яхши дуо қилиш мустаҳабдир.

Ким вафот бўлишидан қатъи назар, унинг яқинлари уч кундан кўп мотамсаро бўлиб юришлари ҳаромдир. Эри ўлиб, иддада қолган хотингагина мотам муддати тўрт ойу ўн кундир. Шариатда эри ўлган хотинга идда муддати давомида мотам тутиш жорий қилиниши эрига ҳурмат юзасидан ҳамда охирги пайтларда ундан фарзанд бўлиб қолган бўлса, унинг наслини аниқлаш учундир.

Масала китобларида, жумладан, ҳанафий мазҳабига оид "Раддул-мухтор..." китобида баён қилинишича, таъзия уч кун ичида билдирилади. Жанозада иштирок эта олмаган киши шу уч кун ичида кўнгил сўраб, ҳамдардлик билдирсин, кейин келиб майийт соҳибларининг ярасини янгиламасин. Шундагина ваъда қилинган савобга эга бўлади, дейилган. Аммо биродарларининг оламдан ўтганини бу кунларда эшитмаган ё сафарда бўлган кишилар уч кундан сўнг ҳам таъзия билдиришлари мумкин.

Таъзия бир марта билдирилади. Икки марта таъзия билдириш макруҳдир. Шунга асосан, ҳайит кунлари яна келиб таъзия билдириш жоиз эмас. Таъзия дафндан сўнг билдирилади. Аммо майийтнинг эгаси дафндан олдин сабрсизлик қилиб жазавага тушса, унга дафндан олдин ҳам сабр тилаб юпатилади. Таъзияхонада узоқ қолиб кетиш ҳам яхши ҳолат эмаслиги масала китобларида баён қилинган.

Хатда баён қилинган "тунўтар", дафн куни пул тарқатиш каби амаллар шариатда йўқ, бидъат амаллардир.

Шунингдек, уч кун ичида майийт соҳиблари таом ҳозирлаб, кишиларни унга даъват қилишлари ҳам макруҳдир, қабиҳ бидъатдир. Балки қўшнилар ва узоқ қариндошлар ўз уйларида таом ҳозирлаб, майийт соҳибларига олиб чиқишлари мустаҳабдир. Ва уларни ейишга ундашлари лозим. Зеро, мусибат туфайли таом емай заифлашиб қолишлари мумкин.

Майийтнинг руҳини шод этиш мақсадида ҳудойиларни "етти", "йигирма", "қирқ", "пайшанбалик", "якшанбалик", "йил оши" деб кунларга боғлаб ва атаб ўтказиш ҳам бидъатдир.

Оламдан ўтиб кетганларни тез-тез эслаб туриш лозим. Улар руҳлари ҳақларига хайрли дуолар қилиш, нафл ибодатларнинг савобларини бағишлаш билан шод бўлади. Оз бўлсин-у, соз бўлсин, деганларидек, уларнинг руҳларига савобини ҳадя қилиш мақсадидаги эҳсонларни билиб-билмай, ҳуда-беҳуда мол-дунё совурмасдан, бировдан қарз олмасдан, "Нима қилсам Аллоҳ розию ўтганлар руҳи шод бўлади", дея ақл юритиб, марҳумнинг танишларини, ёру биродарларини таклиф қилинса, "Иҳфаз вудда абийка", яъни, отангнинг дўстларини ҳурматлаб тур, деган ҳадисга монанд ва савоби ҳам зиёда бўлади. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

"Вафот бўлганларнинг яхши сифатларини айтиб эсланглар ва хатоларини яширинглар", деган муборак ҳадисларининг маъносидан ҳам аён бўлиб турибдики, вафот этган одамни ёдлаш учун ҳамма эмас, балки фақат уни таниган кўни-кўшни, ёру бирдарлар ва хеш-акрабо йиғилиб, дуою фотиҳа қилиб ёдлашса, кифоядир. Шуни яхши билмоқ керакки, хайр-эҳсон қилиш мустаҳаб амал бўлиб, у шариат таълимотига мувофиқ ўтказилганидагина ажру савоб қозонилади. Аслида эҳсон бирорта муҳтож оилага берилиб, унга алоҳида саховат кўрсатилса, нур устига нур бўлади.

Ҳақ таолодан барчамизни тўғри йўлдан адаштирмаслигини сўраб, дуолар қилиб қоламиз.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ МАСЖИДЛАР ВА ФАТВО БЎЛИМИ.

"Ҳидоят" журналининг 2005 йил 3-сонидан олинди.

Ёш қалб мавжи

TINCHLIK BO'LSA OLAMDA

Jaranglaydi ovozim,
Qo'ldan tushmas sho'x sozim,
Do'stga etar dil so'zim,
Tinchlik bo'lsa olamda.

Qushlar ovozidan mast,
Ko'kni tutar o'tlig' sas,
Ko'nglim orzuga payvast,
Tinchlik bo'lsa olamda.

Dunyo turguncha abas,
Quyosh kulib tursa bas,
Bundan ortiq kerakmas,
Tinchlik bo'lsa olamda.

YOMG'IR

Osmon to'la bulutlar,
Uchib-uchib yuribdi.
Makoni yo'q manzilsiz,
Ko'chib-ko'chib yuribdi.
Topolmayin boshpana,
Yurak-bag'rin tig'laydi,
Qarab tursangiz ana,
Aytib-aytib yig'laydi.

Faridaxon UMARALIEVA

Амалий санъат тарихи

МУЗЕЙ - МОЗИЙ ОЙНАСИ

Ўзбек халқи ўз тарихида бадиий-монументал ва амалий санъатнинг оламшумул ноёб асарларини яратди. Бу асарлар ҳанузга қадар юксак бадиий услуби, гўзаллиги, нақшларининг нафислиги яратувчиларининг нозик дидли ҳамда теран фикрли санъаткор бўлганлигидан далолат бериб турибди.

Пойтахтимиз Тошкентда ҳам ўзбек меъморчилигида ўзининг қурилиш услуби, зийнати ва мустаҳкамлиги билан ажралиб турадиган бир қанча мадраса, масжид ва саройлардан ташқари XX асрнинг бошларида қурилган нақшинкор бинолар ҳам сақланиб қолган. Бугунги кунда республика халқ амалий санъати музейи жойлашган бино ана шулардан биридир. 1902-1903 йилларда Европача тарзда қурилган бу бинонинг юзага келишида рус меъморларидан ташқари тошкентлик машҳур ганч-ўймакор уста Тошпўлат Арслонқулов, Тошкент наққошлик, мактабининг йирик вакили Олимжон Қосимжонов, бухоролик машҳур ганчкор уста Ширин Муродов, шунингдек, Самарқанд, Хива, Қўқон, Риштон ва Хўжанд шаҳарларининг тажрибали халқ усталари ҳам фаол қатнашганлар. Бино учун зарур бўлган қурилиш хом ашёлари, пишиқ ғишт Тошкентда топилган бўлса, сержило кошинлар Қўқон ва Риштондан, ганч Бухородан, устун ва эшиклар учун чинорлар Самарқанддан келтирилган.

Бинонинг хона деворлари ганч нақшлари билан бежирим қилиб безатилган. Бинонинг учта хонаси ва кенгаш зали турли-туман миллий безаклар, нақшлар ва гуллар билан серҳашам қилиб безатилган. Залнинг тури ва этагида иккитадан токча, бошқа бир томонида эса меҳроб бор эди. Токча нақшли ганч панжара билан тўсилган.

Залнинг тўри ва шимол томонидан ўзбек миллий амалий санъатининг энг яхши намуналаридан ҳисобланган иккита нафис ўймакор эшиги бор. Залнинг шипи ниҳоятда серҳашам, нақшинкор. Хуллас, катта маблағ эвазига бунёд этилган бу муҳташам бино 1937 йилдан Ўзбекистон Республикаси амалий санъати асарларининг доимий кўргазма масканига айлантирилган. Бу бинонинг ўзи бир серҳашам ноёб экспонат бўлиб, мана 68 йилдан бери қанчадан-қанча хорижлик ва қўшни мамлакатлардан келган сайёҳлар ва меҳмонларни лол қолдириб келмоқда.

Биз ҳикоя қилаётган маданиятимиз, меросимиз кўзгуси, яъни музей заҳирасидаги етти мингдан ортиқ турли нодир экспонатлар 12 та залга тартиб билан жойлаштирилган. Экспонатлар турли даврларга тегишли бўлиб, булар мустақил республикамиз бадиий ҳунармандчилигининг ривожланиш тарихи, ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади.

Музей заллари бўйлаб айланган кишининг диққатини биринчи навбатда гилам, палос ва сержило кашталар тортади. Чўғдек сернақш гилам ва палослар орасида Хива, Андижон, Фарғона, Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб тумани ҳунармандлари тайёрлаган иш намуналарини кўриш мумкин. Ўзбек каштачиларининг буюмлари рангбаранглиги билан томошабин кўзини қамаштиради. Халқ амалий санъатининг энг ривожланган тури бу, сўзсиз, ёғоч ўймакорлиги ҳисобланади. Музей залларидан бирида ёғоч ўймакор усталарининг ана шундай асарлари қўйилган. Унда хивалик, бухоролик, самарқандлик, қўқонлик ва тошкентлик халқ усталарининг ёғоч ўймакорлигига доир санъат асарлари, Ўзбекистон халқ рассоми Қодир Ҳайдаров, Сулаймон Хўжаев ва унинг шогирди Мақсуд Қосимовнинг безакдор ишлари, хивалик машҳур ёғоч ўймакор устаси Ота Полвоновнинг сержило ўймакор эшиклари, Т.Тўхтажўжаев, Ё.Раупов, Ж.Ҳакимов ва халқ устаси, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий академиги Ортиқ Файзуллаевнинг безакли "панжара"си ҳар бир томошабин диққатини албатта ўзига тортади.

Музейнинг яна бир залига мусиқа асбоблари — дутор, танбур, рубоб, Тошкент, Риштон, Самарқанд, Шаҳрисабз, Ғиждувон ва Хива усталари томонидан яратилган лаган, коса, пиёла, чойнак, кўзалар тартиб билан қўйилган. Шунингдек, музей залларидан заргарлик, зардўзлик, мисгарлик каби амалий санъат турларидан намуналар, чиннисозликнинг ўзига хос ноёб асарлари ҳам ўрин олган. Музейдаги амалий санъат асарларининг энг яхши намуналари Франция, АҚШ, Белгия, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Канада, Италия, Югославия ва бошқа халқаро кўргазмаларда ўнлаб олтин, кумуш ва бронза нишонлар, дипломлар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

— Республикамиз мустақиллиги даврида қадимий халқ амалий санъатида қўлга киритилган улкан ютуқлар, истеъдодли халқ усталари томонидан яратилган янги асарларни халқимизга, ёшларимизга, айниқса юртимизга ташриф буюраётган хорижлик дўстларимизга кенгроқ намойиш этиш, тушунтириш, ўтмиш аждодларимиздан қолган бой маданий меросимизни кўрсатиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир,— дейди музей директори Турғунжон Дўстоев.

Айни кунда республикамиздаги 500 дан ортиқ музейларнинг эшиклари хорижлик меҳмонлар, сайёҳлар, ўқувчи-талабалар, хуллас, узоқ-яқиндан келган ҳамма-ҳамма учун очиқ.

Гулсара ОСТОНОВА,
тарих фанлари номзоди.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларнинг тинч ва осуда ўтиши сизнинг кўр-кўрона иш қилмаслигингизга боғлиқ. Доимо ўз куч ва салоҳиятингизга ишонинг.

СИГИР(22.04-20.05)
Яқин кунларда муҳим молиявий масаларни ҳал қилмаганингиз маъқул. Дам олишни ҳам унутмаслигингиз керак.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Оилавий келишмовчиликларнинг олдини олишни истасангиз, муҳокамаларни кейинроққа қолдиришингиз лозим.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Чоршанба ва жума кунлари нутқ сўзлашда эътиборлироқ бўлинг. Шундагина муаммолар сиз учун омадли ҳал бўлиши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Шу кунларда дўстларингиз асабингизга тегишлари мумкин. Уларга эътибор бермаслик дўстликни сақлаб қолади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ушбу ҳафтада ҳамкасблар билан муносабатда совуққон бўлмасликка ҳамда ортиқча сўзламасликка ҳаракат қилинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Сиз учун оддий бўлиб кўринган ҳолат ва воқеаларга ҳам эътиборли бўлиш ҳар хил тушунмовчиликларнинг олдини олиши мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Чоршанба, жума кунлари молиявий масалаларни ҳал қилиш кўнгилсиз ва салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Ташвиш ва юмушларни ҳал қилишда ўз манфаатингизни бошқалардан юқори қўйманг. Сизни кўнгилли харидлар кутмоқда.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Дангаллигингиз сабаб атрофингиздаги инсонлар сиздан ранжиб, душманингизга айланиб қолишидан эҳтиёт бўлинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Фарзандларингиз тарбиясига вақт ажратишни унутманг. Айниқса, ушбу ҳафтадаги тарбиявий иш ва сўроқлар улар учун фойдалидир.

БАЛИК (19.02-20.03)
Масъулияти катта бўлган вазифаларни ўз бўйнингизга олишдан аввал ўз устингизда ишлашингиз керак эканлигини унутманг.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Республика болалар полиомиелит шифохонаси 100 ўринга мўлжалланган. Мазкур хасталик туфайли ногиронликка чалинган болалар бу ерда режа асосида доимий даволанади. Яқинда "Сиҳат-саломатлик йили" дастури доирасида шифохонанинг 2-бўлими қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди.

Йигирма беш ўринли янги бўлимни ишга тушириш учун ўттиз миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва саховатпеша ҳомийларнинг молиявий кўмаги туфайли иш бошлаган янги бўлимда муолажа, ётоқ, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, ювиниш ва ўйин хоналари, шунингдек, ошхона бор. Буларнинг барчаси зарур жиҳозлар ва воситалар билан таъминланган. Болалар бу ерда замонавий компьютердан фойдаланишни ҳам ўрганиш имкониятига эга.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз саломатлигини яхшилаш, соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш борасида юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир, — дейди мазкур шифохона бош шифокори Самариддин Тиловов. — Аҳоли орасида юқумли касалликлар тарқалишини олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, қарийб тўққиз йилдирки юртимизда полиомиелит касаллиги қайд этилмаяпти.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатиз соғлиқни сақлаш тизимида эришаётган бу ютуқлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тегишли сертификати билан тақдирланган.

Бундай хайрли ишар қўламини янада кенгайтириш, ёш авлод саломатлигини муҳофазалаш жараёнидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Республика болалар полиомиелит шифохонасини келгусида Республика болалар реаблитация марказига айлантириш режалаштирилмоқда.

Мадина МИРЗАЕВА

ЗИЁГА БАХШИДА УМР

Нафиса ая инсонпарварлик фазилатлари билан кўпнинг ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда. Онахоннинг болалик йиллари оғир кечди. Ҳали гўдаклигиданоқ отаси оламдан ўтди. 16 ёшга тўлганида эса Иккинчи жаҳон уруши бошланиб Нафиса Қодирова кўп қатори фронт ортида, 7-сонли ҳарбий заводда меҳнат қилди.

1943 йилнинг охирларида завод раҳбариятининг йўлланмаси билан Тошкент Давлат педагогика институтининг тайёрлов бўлимига ўқишга кирди. 1949 йилда ушбу институтнинг тиббиёт-география факультетини имтиёзли диплом билан томомлаб, кимё-биология мутахассиси сифатида институтнинг одам анотомияси ва физиологияси кафедрасида илмий иш олиб борди. 1958 йилда биология фанлари номзоди илмий унвонига сазовор бўлди. 1958-1961 йиллар давомида факультет декани, 1961-1973 йиллар давомида кафедра мудири лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Онахон қадрдон институтида 45 йил ҳалол меҳнат қилиб эл ардоғида бўлди. Нафиса опа педагогик фаолиятини жамоат ишлари билан қўшиб олиб борди.

Онахон 1993 йилдан буён Яккасарой туманидаги Конституция маҳалласида истиқомат қилиб келмоқда. Шу билан бирга маҳаллада 1991-2001 йиллар давомида хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси сифатида самарали фаолият кўрсатди.

Айни пайтда ҳам Н.Қодирова "Нуроний" жамғармаси туман бўлинмаси маркази аъзоси сифатида маҳалла нуронийлари ўртасида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Нафиса ая — биолог-физиолог.

Аянинг мутахассислиги она табиатга алоқадор, табиатни жондан севади, табиатдаги жараёнларни, ҳаёт ва воқейликни кузатади, ижодий ёндошади, ҳаётий тажрибаси туфайли кўп масалаларга холис баҳо беради.

— Дунёда энг яхши бахт ва қувонч — одамларга керак ва яқин бўлиш. Лекин яхшилик қилиш, қимматли вақтимиз ва айрим ҳолларда қийинчиликлар ҳисобига юзага келади, — дейди Нафиса Қодирова.

Ҳа, онахон шу ёшда ҳам тиним билмайди. Яқинлари, қадрдонлари кўмагида маҳаллада яшовчи ўзгалар ёрдамига муҳтож онахонлардан, бетоб инсонлардан хабар олиб туради, ёрдамини аямайди.

Яхшилик қилиш, инсонларнинг оғирини енгил қилиш, ҳожатбарорлик, бор кучини хайрли ишларга йўналтириш онахоннинг умр мазмуни, инсоний бурчи десак муболаға бўлмайди.

Комилжон МУҲАМАДИЁРОВ,
Яккасарой туманидаги Конституция маҳалласи оқсоқоли.

Маҳаллалар тарихини биласизми?

ҚАРШИнинг ҚАДИМИЙ МАҲАЛЛАЛАРИ

Неча асрлардан буён халқимиз маҳаллаларга жипслашиб, ўзларининг маълум тартиб-интизоми, қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб яшаб келмоқда. Маҳалла тарихининг илдизлари анча қадимги даврларга бориб тақалади. Қадимшунос олимларнинг исботлашича, Зардўштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да, Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри", Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг "Бухоро тарихи", Алишер Навоийнинг "Ҳайратул аброр" асарларида маҳаллалар ҳақида қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Амир Темур даврида ҳам маҳаллаларнинг равнақ топганлигидан тарихий манбаалар орқали хабардор бўлиш мумкин.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Тошкентдаги мавжуд 4 даҳада 280 маҳалла (гузар) ва 170 мавзе (шаҳар атрофидаги боғлар ва экинзорлар жойлашган ҳудуд), Бухорода 197 та, Андижонда 43 та, Қаршида 20 та, Шаҳрисабзда 52 та, Китобда 74 та маҳалла (гузар)лар мавжуд бўлганлиги манбааларда қайд этилган. Бухоро хонлигининг энг йирик сиёсий ва маъмурий шаҳри ҳисобланган ҳамда 1920 йилгача нуфузи жиҳатидан иккинчи ўринда турган Қарши шаҳрида XX асрнинг бошларида 20 дан зиёд маҳалла (гузар)лар фаолият юритган.

Маълумки, Мустақилликдан сўнг Қарши шаҳри маҳаллалари тарихи алоҳида ўрганилмоқда. Биргина рус элшунос олимаси О.Сухарованинг "Бухоро хонлиги шаҳарлари тарихига доир" номли (1958 йил) асарида Қарши шаҳридаги қуйидаги маҳаллалар рўйхати келтирилган: Мурдашув, Мирзааллоҳ, Оғашув, Чубин, Хонақо, Харрот, Шаршара, Беглар-беги, Хитой, Уймавут, Эронгузар, Қозихона, Харамсарой, Дарвозатутак, Бойгузари, Мирзалатип, Темирчи, Холвагар, Кулолгузар, Чилангарон ва бошқалар. Мазкур асарда шаҳарга туташган 20 та қишлоқча (маҳалот)ларнинг номи ҳам тилга олинган: Чармгар, Қўрғонча, Зоғза, Арабхона (Қумработ), Бузработ (Бузрукобод), Бешгумбаз, Маҳсумобод, Қарлуқхона ва ҳоказо. Шунингдек, тўпланган этнографик маълумотларга кўра, шаҳарда яна қуйидаги маҳалла (гузар)лар фаолият юритганлиги ҳам аниқланди: Дегрез, Мискорлик, Сандиқчи, Дукчи, Косагир, Дурадгор, Алачабоф. Ушбу маҳалла-гузарларнинг номлари тўлиқ эмас, бу яна қўшимча илмий изланишларни талаб қилади, албатта.

Маҳалла (гузар) — ҳунармандчиликнинг энг асосий соҳалари, уруғ-қабилалар номлари (этнонимлар), шу ҳудуддаги ариқ, ҳовуз, кўприк, масжидлар, жой рельфи ва бошқа турли номлар билан боғлиқ ҳолда аталган.

Даврлар ўтиши билан эса йирик маҳаллалар бир неча мустақил қисмларга бўлиниб кетган. Баъзи кичик маҳаллалар йирикларига қўшилиб кетиб, номлари фақат қарияларнинг хотирасида сақланиб қолган, айримлари эса батамом унутилган ҳам.

Юртимиз мустақиллиги туфайли барча миллий қадриятларимиз қатори Ватан тимсоли бўлган маҳаллани расман қарор топтириш, янада такомиллаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Маҳалланинг азалий анъанавий мақоми яна тикланди ва мазмун-моҳияти ҳам тубдан ўзгарди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 12 мингга яқин, жумладан, Қашқадарё вилоятида 360 та, Қарши шаҳрида эса 62 та маҳаллалар самарали фаолият юритмоқда.

Хуллас, БМТнинг халқаро ЮНЕСКО ташкилоти раҳнамолигида жаҳон миқёсида 2700 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётган, мозийга бўйлашган Қарши шаҳри маҳаллаларининг тарихини янги манбаалар асосида, холисона ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

О.БЎРИЕВ,
тарих фанлари номзоди.
П.ҚУРБОНОВ,
ҚарДУ ўқитувчиси.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9670 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-524
1 2 3 4 5 6
Топширилди — 21.00